

АДОЛАТ

O'zbekiston
«Adolat» sotsial-
demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgz.uz • www.adolatgz.uz • www.adolat.uz • № 8 (1020) • 2015-yil, 20-fevral, juma

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

“КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ” ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуг инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек, 2015 йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан:

1. “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурини амалга оширишнинг устувор вазифа ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қўлай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қўнунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуг инсонларга давлат хизматлари, шу жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишининг энг қўлай тизимини шакллантириш;

кексалар, авваламбор, фашизм устидан қозонилган ғалаба ва Ватанимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуг инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, “Нуроний” жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш миқдорини ошириш;

фахрийлар ва ёши улуг инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, кўриш ва эшитиш органлари, таянч-ҳаракат тизими ва юрак-қон томир касалликларини даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санатория-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш;

мамлакатимизнинг муҳофаза қобилияти, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамиятимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган, соғлом ва барқамол униб ўсаётган авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакилларига муносиб эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни тизимли асосда амалга ошириш, оила ва жамиятда ёши улуг инсонларнинг ўрни ва обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни ота-оналарини, ҳар бир нуронийни чуқур ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш туйғуси руҳида тарбиялаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш;

ҳар бир кексага ҳар томонлама эътибор қаратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш ва ошириш, кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бунда улар учун туман ва маҳаллаларда мулкот марказлари, қизиқиши бўйича клублар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, телевидение, оммавий ахборот воситалари, кинотеатрлар,

театр ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда ёши улуг инсонларнинг қизиқишларига мос мавзуда янги маҳсул кўрсатувлар, спектакль ва фильмлар яратиш ва эфирга узатиш ҳажминини кўпайтириш;

маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмасида кексалар ва ногиронларга доимий эътибор қаратадиган секторни мустаҳкамлаш, бунда уларга хизмат кўрсатадиган идора ва хизматлар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий таъминот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни назарда тутиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 12 декабрдаги 4393-фармойишига мувофиқ тузилган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазирилик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилик Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика комиссиясига (Ш.Мирзиёев) “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш юклансин.

Республика комиссияси: бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилик Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этилишини таъминласин ва уларнинг зиммасига Давлат дастурида белгиланган вазифаларни сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин;

икки ҳафта муддатда вазириликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва бошқа ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилик Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирилик ва идора, ҳудуд, шаҳар, туман ва аҳоли пунктларининг “Кексаларни эъзозлаш йили” бўйича ҳудудий ва тармок дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари даражасида тасдиқланган Давлат дастурига киритилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича ишларни мувофиқлаштирсин ва ушбу тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

ҳар чорак яқунлари бўйича “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот бериб бурсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги:

босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет-ресурсларни жалб этган ҳолда, аҳоли ўртасида “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, уни амалга ошириш бўйича асосий йўналишлар ва чора-тадбирлар мунтазам ва кенг қўламли ёритилишини;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишдаги иштироки ва қўшган аниқ ҳиссасини ақс эттирган ҳолда, Давлат дастурининг бажарилиши ҳақида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб боришни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2015 йил 18 февраль

И.КАРИМОВ

Сайлов — 2015



САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловини ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссиясининг раиси К.Каримов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Р.Матқуронов йиғилганларни номзоднинг таржимаи холи билан таништирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Н.Умаров ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда мамлакатимизда инсон манфаатлари энг олиқ қадрият экани, адолат ҳаётимизнинг бош мезони, ҳар бир инсон учун адолат тамойилларини ҳаётиимизга кенг жорий этиш энг асосий вазифа экани таъкидланган. Бу борада қонун устуворлигини таъминлаш, ёшидан, миллатидан, ижтимоий-иқтисодий аҳоли, келиб чиқишдан қатъи назар, барчага тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш устувор йўналишлар эканига алоҳида эътибор қаратилган.

“Экосан” экология ва саломатлик халқаро хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси

филиали директори Н.Мирзабуратов, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг 3-курс талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори О.Ўразимбетова, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ўқитувчиси У.Сейтжонова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда ҳуқуқий давлат шаклланиши, сайлов тизимимиз умумэтироф этилган халқаро нормаларга тўла жавоб беришидан далолат эканини таъкидлади. Номзоднинг дастури хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

ХОРАЗМ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг жойларда сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 16 февраль куни Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 12-Хоразм округ сайлов комиссиясининг раиси А.Раҳимов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили М.Қурбонбоев йиғилганларни номзоднинг таржимаи холи билан таништирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

2

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили



Даъвати ҳам, ғайрати ҳам ҳавас қилгулик

Аслида далил ва рақамлар ҳар сафар мавзунини ойдинлаштиришга, зарур ҳулосалар чиқаришга ёрдам беради. Маълумотларга назар солидиган бўлсак, бугун Самарқанд вилоятида аҳолининг 224 минг нафарини 60 ёшдан ошган кишилар, 317 нафарини иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, 6200 нафарини меҳнат fronti фахрийлари ва 137 нафарини юз ёшдан ошган мўътабар отахон ва онахонларимиз ташкил этади.

5

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Ёш оилаларга ғамхўрлик намунаси

Ҳар бир ота-онадан “Энг катта орзуингиз нима?” деб сўрасангиз ҳеч иккиланмасдан: “Ўғил-қизимнинг бахту саодатини кўриш” деб жавоб беради, албатта. Чунки улар фарзандлари учун борини беришга тайёр, дилбандларим ҳеч кимдан кам бўлмай воғжа етса, яхши ўқиб, ҳаётда муносиб ўрнини топса, деб ният қилади. Шу боис, биз келажакимиз эгаларининг ҳар бир ютуғини ўз муваффақиятимиздек қабул қилиб, чин дилдан қувонамиз.

8

Омбудсман ҳисоботи — партия фракцияси муҳокамасида

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент қўйи палатасининг яқинда ўтказиладиган мажлиси кун тартибидан ўрин олган масалалар, жумладан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2014 йилдаги фаолиятига оид ҳисоботи қўриб чиқилди.

3

Вазифалар белгилаб олинди

Тараддуд

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятда сайловга тайёргарлик кўриш ишларининг бориши билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама этилди.

3



САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Давомий. Бошма 1-бетда

Дастурда жамиятда қонун устуворлиги ва иқтисодий адолат тамойилларини таъминлаш, қонунларнинг мукамал, ўқори сифатли ва барқарорлигига эришиш, уларни қўлдан олишга татбиқ этишнинг ишончли механизмларини яратиш, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ҳолати татбиқ этиш, илм-фанни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг ролинини ошириш ҳамда ташқи сиёсатда миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш каби муҳим вазифалар илгари сурилган. Айниқса, дастурда дунё сиёсий амалиётида кенг қўлланиладиган ва тан олинган социал-демократик ҳолат таъминнинг менталитети га уйғун ҳолда ифода этилган.

Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси Н.Эшметов, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг "Тиллар, педагогика ва психология" кафедраси доценти Д.Олимова ва бошқалар номзоднинг дастури ва ундаги вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

НАВОЙ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 17 февраль куни Навой вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 17 февраль куни Навой вилояти сайловчилари билан учрашди. Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 17 февраль куни Навой вилояти сайловчилари билан учрашди. Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 17 февраль куни Навой вилояти сайловчилари билан учрашди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзоднинг сайловолди дастурида социал-демократиянинг асосий қадр-ийлатирига таъкид қилинган. Ҳақлиқ аҳоли турли иқтисодий гуруҳ ва қатламларнинг турмуш сифати ва даражасини оширишга хизмат қиладиган иқтисодиётнинг иқтисодий йўналиштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, инновацион иқтисодиёт масаласига урғу берилган. Яъни, фақат янги технологияга асосланган иқтисодиётга давлатимиз қудратини ошириши, иқтисодий соҳанинг тараққиёти этишига хизмат қилиши қайд этилган. Иқтисодиёт, фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларига, шунингдек, илгор инновацион тафаккурни тарбиялайдиган таълим тизимига таъкид зарурлиги белгиланган.

Учрашувда Қизилтепа тумани халқ таълими муассасалари фаолиятининг методик таъминлаш, ташкил этиш бўлими мудири Р.Аслонова, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ш.Вафоев ва бошқалар номзоднинг дастури ва унда илгари сурилган вазифалар ҳусусида фикр билдиришди.

БУХОРО

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 17 февраль куни Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 17 февраль куни Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди. Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 17 февраль куни Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзоднинг сайловолди дастурида иқтисодий ҳимоя ва унинг амалда қўлланилиши доимий эътибордаги масала эканлига алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатимизда «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» тамойили асосида олиб борилаётган сиёсатни ривожлантириш, амалга оширилаётган ислохотларни янада жадаллаштиришда, аввало, қонун устуворлигини таъминлаш, ёши, миллати ва иқтисодий-иқтисодий аҳоли, келиб чиқидан қатъи назар, барчага тенг имкониятлар яратиш бериш, иқтисодий адолат тамойиллари, фуқаролар ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби муҳим вазифалар илгари сурилган.

Вобент туманидаги стоматология поликлиникаси бош шифокори М.Ҳамидов, Бухоро шаҳридаги «Фуркат сервис плюс» масъулияти чекланган жамияти раиси Ф.Қодиров, Бухоро енгил саноят ва педагогика касб-хунар коллежи ўқитувчиси Х.Алимов ва бошқалар номзоднинг дастури ва унда илгари сурилган асосий вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ўзбекистон Республи-

каси Президенти сайлови кўппартиявийлик ҳамда муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинаётганидан, миллий сайлов тизимини халқро норма-ларга тўла мос келтиришда алоҳида алоҳида эканини таъкидлади.

САМАРҚАНД

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 18 февраль куни Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 18 февраль куни Самарқанд округ сайлов комиссиясининг раиси Я.Аллаев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Н.Рабиимова йиғилганларни номзоднинг таржимаи холи билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда мамлакатимизда «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» тамойили асосида олиб борилаётган сиёсатни ривожлантириш, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилаш шарти бўлган давлат иқтисодий дастури татбиқ этишни изчил давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилган.

лови кўппартиявийлик ҳамда муқобиллик асосида, демократик тамойилларга мос тарзда ўтаётганини қайд этди.

СИРДАРЁ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 19 февраль куни Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 19 февраль куни Сирдарё округ сайлов комиссиясининг раиси Ш.Маматқуллов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили М.Алтишев ва йиғилганларни номзоднинг таржимаи холи билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров нутқ сўзлаб, сайловчиларга ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишлари ҳақида маълумот берди.

Дастурда Ўзбекистонда иқтисодий барқарорлигини таъминлаш вазифаси давлат, ҳокимият, бизнес ва фуқаролик жамияти институтларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни талаб этиши алоҳида таъкидланган. Бу борада иқтисодий тараққиёт дастурларини кенг жамоатчилик иштирокида экспертизадан ўтказиш, биринчи навбатда, туман ва шаҳарлар миқёсида жамоатчилик назорати юзаси-

дан чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги, иқтисодий аҳолига молик фуқаролик ташаббусларини ёқлаб, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги муаммоларни ҳал қилишдаги иштирокини янада кенгайтиришга эътибор қаратилган.

Учрашувда Сирдарё туманидаги 13-умумтаълим мактаби ўқитувчиси С.Элмуродов, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси ўринбосари Д.Абдуллаева ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни 2015 йил 29 март куни ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишига чақирди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 19 февраль куни Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 19 февраль куни Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси Н.Абдуллаев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Р.Толипов йиғилганларни номзоднинг таржимаи холи билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров сайловчиларни ўз сайловолди дастури билан таништирди.

Номзоднинг сайловолди дастурида ҳокимият ва жамият ўртасида самарали ҳамкорликни кенгайтириш, ҳокимиятнинг барча даражаларидаги бошқарув вакиллари ҳамда фуқаролар ўртасида очик мулоқот ва тўғридан-тўғри муносабатларни йўлга қўйиш, мамлакатимизда асрлар давомида ахил-иноқ яшаб келаётган турли миллат ва элатларнинг хилма-хиллигини муштарақ ҳолда сақлаш ва ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва эркинлигини янада кучайтириш, олиб борилаётган иқтисодий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг очик ва ошкорулигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Б.Қосимов, Оққўрғон туманидаги 78-иқтисодлаштирилган махсус мактаб-интернати директори Н.Ҳасанова, Оҳангарон тумани «Гуллистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Д.Санаккулова ва бошқалар Президентликка номзоднинг сайловолди дастури ва унда белгиланган устувор вазифалар ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, Президент сай-

Иқтисодий юксалишлар

юртимиз тараққиёти кўзгусига айланмоқда

➤ Депутат минбари

Бугун кўча-кўйда, маҳалла ва гузарлардаги гурунгларга қулоқ тутсангиз, фуқароларимиз тинч ва осойишта, фаровон ҳаётдан мамнун эканлигини англайсиз. Кўпни кўрган мўтабар отахону онахонлар дорилонм кунларимизни алқаб, у ҳақда ўзларининг самимий фикрларини билдиришади. Зеро, халқимизнинг тарихий ютуғига айланган мустақиллик биз учун энг улғу, энг азиз неъматдир. Уни қадрлаш, доимо асраб-авайлаш эса юксак бурчимиздир.

Эндилда мамлакатимиз тараққиёти билан боғлиқ ҳар бир янгилик ва воқеалар бизга алоҳида мамнуят бағишлаймоқда. Хушхабарлар ортидан келаётган хушхабарлар деярли ҳар кун, ҳар бир соатда рўй бериб турибди. Улар Ўзбекистоннинг улкан салоҳиятию чексиз имкониятларини ўзида намойён этмоқда. Яқин ўтмишда ер юзида шундай юртнинг борлигини билиб-билмаган юзлаб давлатлар энди унинг ютуқларига тан бермоқда, бунчалар тез тараққиёти этиб бораётганидан ҳайратга тушмоқда. Юртимизнинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилаётган омилларни, бу борада тўпланган тажрибаларимизни ўрганишмоқда.

Ўзинг моддий бойликлар яратиб, уни ўзинг тасарруф этсанг, қилган меҳнатинг роҳатини кўрсанг, озодинк, хурлик деган тотли туйғунинг беқийс аҳамиятини ўзинг ҳис этсанг, бундай кунларга шукроналар айтмай бўлмайми? Исқитлолға қадр халқимиз не кунларни кўрмади. Бошқаришда маъмурий буйруқбозлик туфайли ичидан аста-секин емирилиб бораётган собик тузумнинг сиёсати одамлар бошига не савдоларни солмади. Минг бора шукри, мустақиллик туфайли кўп миллатли халқимиз ўз эркига эга бўлди. Катта йўлда залворли қадамлар билан дадил бораётган жаннатмонанд юртимизда ҳозир ҳар бир фуқаро ўз қадрини топмоқда. Тинч ва осойишта ҳаётнинг гаштини сура-япти, завқу шавқ билан меҳнат қилмоқда. Тенглар ичра тенг, хурлар ичра хур бўлган озодинк ва обод диёримизни янада гуллаб-яшнамоқда. Яқиният билан қилган орзу-мақсадларимиз рўёбга чиқаяпти. Жумладан, Вазирилар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари бағишланган мажлисида ҳам бу ҳақда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Унда ўтган йил яқунлари чукч тахлил этилиб, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини юксалтириш борасида барқарор ўсиш суратларига эришилгани алоҳида эътироф этилди. Зотан, юртимиз тараққиёти йўлидаги барқарор суратлар кўп миллатли бунёдкор халқимизнинг обод ва фаровон ҳаётини таъминламоқда.

Узғаришларга юз тутган Урганч шаҳрининг бугунги гўзал қиёфаси эндиладика ҳеч қимни бефарс қолдираётгани йўқ. Бундай янгилинишлар Хоразм вилоятининг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам изчил амалга оширилмоқда. Бир-биридан салмоқли йирик лойиҳалар ишга туширилмоқда. Ўтган йили Хазорасп туманида «Хоразм» автомагистрални ишлаб чиқариш бирлашмаси»нинг фойдаланишга топширилгани ва унинг базасида «Дамас» ва «Орландо» русумли енгил автомобиллар тайёрланаётгани вилоят аҳли учун катта воқеа бўлди. Биринчидан, бу ерда маҳаллий аҳолининг маълум қисми муҳим иш ўринлари билан таъминланди. Иккинчидан, мазкур корхонада Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 14 нафар аъзосидан иборат янги БПТ фаолиятини бошлади. Учунчидан, янги кор-



Максуд ҚУРБОНБОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси

хонанинг замонавий учқур машиналари эндиладика кўпчилик юртдошларимизнинг зуғфини яқин қилмоқда, уларнинг қорига яраяпти.

Шундай шароитга эга бўлиш, ўзимизнинг юртимизда ишлаб чиқарилган машиналарни сотиб олиб, оилавий фаровонлигимизни янада оширишни анчадан бери орзу қилиб юрар эдим, — дейди Хоразм вилояти "Тўғруқ" ГЭС давлат корхонаси смена бошлиғи, "Адолат" СДП аъзоси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты Насрулла Одамбоев. — Яқинда мақсадимизга эришдик. Ўзимизнинг автосалондан "Орландо" русумли янги автомашина сотиб олдим.

Хонка туманида яшовчи бир оилани кўп йиллардан бери биланам. Оила бошлиғи Курбондурди бобо билан Розия момо ҳозир 80 ёшга яқинлашиб қолган. Уларнинг турмуш кўрганлиги 58 йил бўлди. Тўрт ўғил, беш қизни оқ ювиб, оқ тараб катта қилган бахтиёр отахону онахоннинг ҳозир 31 нафар невараси, 13 нафар чевараси бор. Улар байрамларини, туғилган кунларда қарияларни йўқлаб туришади. Ҳамма жам бўлган кун бахтли оиланинг байрамига айланади кетади. Яқинда уларнинг невараси Ўткиржон Бекчиновни учратиб қолдим.

Ўтган йили туманимизнинг "Ойдин ҳаёт" маҳалласида барпо этилган намунали уйларнинг бирига оиламиз билан кўчиб ўтдик, — деди у. — Барча шароитларга эга бу янги турар жой биноси яшаш учун қулайлиги билан ҳаммамизга манзур бўлди. Ўзим кўп йиллардан бери Хоразм вилояти "Оби ҳаёт" масъулияти чекланган жамиятида сув тақсимлаш иншооти оператори бўлиб ишлайман. Ўзбекистон "Адолат" СДПга хайрихоҳман, унинг халқчил гоёларини доимо қўллаб-қувватлайман. Бу йил ҳам "Ойдин ҳаёт"да 16 та янги намунали уй-жой ишга туширилади. Бу билан маҳалламиздаги замонавий ва кўркам уйларнинг умумий сони 103 тага етади.

Давлатимизнинг мустақил тараққиёт йўлида мамлакатини модернизация қилиш, жамиятини эркинлаштириш жараёниларини ўзининг тарихий натижаларини бермоқда. Юртимиздаги барқарор вазият, иқтисодий ўсиш суратларининг таъминлини, умуминсоний кадриятлар устуворлиги, чинакам демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тўла тантана қилинишида адолат мезонларининг устуворлиги эришилмоқда. Яъни ҳуқуқий демократик давлат қуриш

ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида адолат мезонлари қадрият даражасига қўтариляпти.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси айнан шу муқаддас гоёлар ва эзгу қарашларни ёқлаб, уни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бундан кейин ҳам партияимиз ҳар бир фуқаро қалбида адолат туйғусининг кўртак очини орқали адолат устувор бўлган жамият қуришда фаол иштирок этади. Тарихдан маълумки, иқтисодий адолат қарор топган жойда иқтисодий юксалишлар кузатилади, тараққиётга эришилади, аҳоли турли иқтисодий гуруҳ ва қатламларининг турмуш сифати яхшиланади, фаровонлик даражаси оқсалади.

Иқтисодиётнинг барқарор сурьатларда ривожланиши аҳоли турмуш фаровонлиги ўсишининг қарорликдир. Ушбу йўналишда партияимиз Сайловолди дастурида муҳим вазифалар белгиланган. Жумладан, "Адолат" СДП бозор иқтисодиётининг иқтисодий йўналиштиришнинг қўллаб-қувватлаб, иқтисодий ўсиш натижалари аҳолининг турли иқтисодий гуруҳ ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга хизмат қилиши лозимлигини алоҳида қайд этади.

Иқтисодиётимизга йўналиштирилган кўчи демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришдек олижаноб мақсадлар рўёбига ўз ҳиссасини қўшишни қўзлаган партияимиз бу жараёнда, шубҳасиз, мамлакатда янги иқтисодий бозор иқтисодиётининг шакллантириш, тамойилларига таъинган ҳолда иш қўрмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиши — аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси ва сифатининг оқишида энг муҳим, таъбир жоиз бўлса, устувор аҳамиятга эга. Шу нуқтага назардан, Ўзбекистон "Адолат" СДП жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам ўзини тўла-тўқис оқлаётган — давлатнинг бош ислохот эканлиги ҳамда иқтисодиётнинг сиёсатдан устулиги тамойилларини ривожлантириш жараёнида ҳам иштирок этиб келмоқда. Мамлакатимиздаги барқарор иқтисодий ўсиш кенг қўламли иқтисодий вазифаларни ҳал этиш имконини бермоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш кераки, тараққиётнинг «ўзбек модели» мустақил юртимизнинг йил сайин барқарор ривожланиб, гуллаб-яшнашига хизмат қилмоқда. Тараққиёт сари интилаётган дунёдаги қатор давлатлар учун мазкур моделнинг эндиладика намуна бўлиб хизмат қилаётгани қўллаб-қувватлашга қувват қўлиш керак. Иқтисодий юксалишлар юртимиз тараққиётининг кўзгусига айланмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти юксалди. Айниқса, иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил оширишга мустахкам замин яратмоқда. Одамларнинг даромадлари орттириш ҳисобига оила-ларнинг моддий аҳоли сифат жиҳатдан ўзгаришти.

Зеро, юртимизда изчиллик билан олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг бош мақсади ҳам шу. Бизда ҳамма нарса инсон учун, унинг бахту саодати учун йўналтирилган. Унинг амалий тасдиғини мамлакатимиз ҳаётининг қатор соҳаларида, шунингдек, иқтисодиётда таъминланаётган барқарор ўсиш сурьатларининг самарасида ҳам кўраимиз.

Ҳудудий партия ташкилотларида

Ўзбекистон "Адолат" СДП ташкил топганлигининг 20 йиллигига

Бугунги кунда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти кенгашининг турли идора ва корхоналар, меҳнат жамоаларида 212 та бошланғич партия ташкилотлари мавжуд. Улар сафида ўз орзу-мақсадлари, ижтимоий-сиёсий қарашларини партиямиз ғояларига уйғун деб англаган 7 мингдан ортиқ аъзолар бирлашган.

Такомиллашган тизимда муваффақиятларга эришиш имконлари ортади

2014 йилда бўлиб ўтган сайловда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига вилоятимиздан 3 нафар, халқ депутатлари вилоят Кенгашига 6 нафар, шаҳар ва туман маҳаллий Кенгашларига 75 нафар депутат сайланганлиги кейинги йилларда вилоятда партиямизнинг мавқеи ошганини яққол ифодалаш билан бирга халқимизнинг бундай юксак ишонч билдириши маслақдошларимизнинг партиявий ишларда янада руҳлантириб юборди.

Айтиш жоизки, партия ташкилотларининг моддий-техник жиҳатдан таъминланиши уларнинг замон талабларига мос фаолият юритишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шунинг назарда тутиб, Термиз шаҳрида ва барча туманларда фаолият кўрсатаётган ташкилотларимизни замонавий техник жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг самарали ишлашлари учун барча шароитлар яратилди.

Албатта, бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сурхондарё вилояти кенгашида йўриқчи лавозимда иш бошлаган йилларни кўз олдимга келтирсам, бугун қўлга киритган муваффақиятларимиздан фахрланаман.

Партиянинг мақсад ва ғояларини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш жараёнида кимларгадир гапларимиз шунчаки қуруқ ваъдага ўшаб кўринган вақтлари ҳам бўлган. Бизга ишончсиз қараганлар бўлгани ҳам бор гап. Аъзоларимиз сони ҳам жуда кам эди. Партиямизга аҳоли ўртасида хайрихоҳликни кучайтириш, аъзолар сонини оширишга эришиш, уларни партиянинг мақсад ва ғоялари атрофида бирлаштириш, корхона ва ташкилотларда, меҳнат жамоаларида бошланғич партия ташкилотларини тузиш учун фаолларимиз доимий изланишда бўлдилар. Ҳа пайтларда

партиянинг ташкилий ишларини амалга ошириш учун иш хоналарида шароитлар етарли эмас, айниқса, замонавий компьютерларга эҳтиёжimiz катта эди. Қийинчиликлар ортда қолди, ҳозирда сиёсий партия ташкилотига хос тарзда ишлаш учун барча шароитлар мавжуд.

Мамлакатимиз давлат бошқарувида фаол иштирок этиш, жамиятнинг демократлаштиришида сиёсий партиялар ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада мустақкам қонуний асослар яратилганлиги туфайли, жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолиятида ҳам кейинги 10 йил ичида туб бурилиш ясалди, десак, муболаға қилмаган бўлаемиз. Ана шу каби эъришларни партиянинг Сурхондарё вилоят кенгашида кечаётган ўсиш ва ютуқларда ҳам кузатиш мумкин.

Ўз электротишининг манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Ватан равнақи, мамлакат тараққиёти учун улғувор ғояларни илгари суриб, уларни рўёбга чиқаришга астойдил саъй-ҳаракат қилиб келаётган партиямиз сиёсат майдонига чиққанига ҳам 20 йил бўлди. Айни пайтда такомиллашган тизимга эга партиямизнинг республикамиз бўйлаб ўз мустақкам таянчлари, барча ҳудудларда шаклланган ташкилотлари, сиёсий профессионал маҳоратга эга фаоллари, умумий мақсадларимиз атрофида жипслашган фидойий аъзолари ҳамжиҳатликда ва юксак ишонч билан фаолият юритмоқда. Бу ишонч бизни янада юқори натижаларга эришишга, бунинг учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишга ундаб, ҳар биримизга куч бағишлайди.

Исроил ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Иш муҳим, натижалар ҳам...

Депутатлик гуруҳи

Айтиш керакки, жойларда партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини амалга оширишда асосий механизмлардан бири саналган депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлиги ва масъулиятини ошириш давр талабига айланган. Партиялараро рақобат тобора кучаяётгани, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ислохотларга дахлдорлик ҳисси ортаётгани ҳам шунинг тақозо этади. Айниқса, социал-демократия ғоя ва мақсадларининг туб моҳиятини тарғиб этишда, фуқароларни партия сафига жалб қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳларининг роли жуда муҳим.

Шу мақсадда жорий йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашида тузилган партия депутатлик гуруҳи ўз фаолиятида қонуний ваколат ва имкониятларидан фойдаланиб, ҳудуд аҳолиси, жумладан, сайловчилар ишончини оқлаш учун зиммаларидаги вазифаларни бажаришга киришдилар.

Маҳаллий вакиллик органидаги мазкур депутатлик гуруҳининг дастлабки йиғилишида бир қатор ташкилий масалалар муҳокама қилиниб, гуруҳ раҳбарлигига Ўзбекистон "Адолат" СДП Урганч шаҳар кенгаши раиси, депутат Рустам Болтаев сайланди. Р.Болтаев бир неча йиллардан буён партиянинг дастур ва мақсадлари, вазифа ва ғояларини кенг омма орасида тарғиб қилиб, ҳаммаслақлар ва хайрихоҳларимиз сони ортишига ҳисса қўшиб келаётган, партия ишида катта тажрибага, ташкилотчилик қобилиятига эга фидойий инсон. У 2009-2014 йилларда ҳам халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши депутаты сифатида сиёсий маҳоратни, ўз ишига виждонан ёндашиши билан фуқаролар ишончини қозонган фаолларимиздан биридир.

Партиямизнинг маҳаллий вакиллик органидаги депутатлик гуруҳи аъзолари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим масалалари устида бош қотириб,

жиддий ва фойдали тақлифларни илгари суришда умумий мақсадларимиздаги ҳаётий ва халқчил хусусиятларини ҳам намойиш қила олиши лозим, — дейди Р.Болтаев. — Янги депутатлик гуруҳимиз аъзолари масъулиятни чуқур англаб, замон талаблари асосида ишлашга бел боғлади. Депутатлик гуруҳимиз томонидан ишлаб чиқилган дастур фаолиятимиз давомида янада такомиллашиб бориши назарда тутилган. Фуқароларни ўйлантираётган муаммоларни ечиш, мурожаатларнинг мазмунига қараб, керак бўлса, улар асосида Қонунчилик палатасидаги партия фракциясига қонун ижодкорлиги нуқтаи назаридан ўз тақлифларимизни билдиришнинг мумкинлигини таъминлашга қўша ҳисса қўлишимиз зарур. Натижага эришиш депутатнинг ўз масъулиятини англаб иш тутганлигидан амалий ифодалайди. Бугун депутатлар зиммасидаги масъулиятга хос саъй-ҳаракат қилиши, уларнинг ўз вазифасини қай даражада амалга оширишига қараб фуқароларнинг партия фаолиятига баҳо бериши, шунга қараб биз аъзо бўлган сиёсий кучга нисбатан жамиятда муносабат шаклланишини ҳар доим ёдда тутишимиз шарт. Сайловчини қуруқ ваъдалар билан алдаб бўлмайди. Негаки,



сайловлар оралиғидаги фаолият келгуси сайловда амалий таъсири, албатта, кўрсатади.

— Депутат ўз мақомига муносиб ишлаши учун барча шароитлар мавжуд, — дейди депутатлик гуруҳи аъзоси, Хоразм вилоят "Она ва бола" скрининг маркази директори Гулнора Сапарбоева. — Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашининг биринчи сессиясида доимий комиссиялар шакллантирилди. Шунга мувофиқ, депутатлик гуруҳимиз раҳбари Рустам Болтаев ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали доценти Доно Олимова коммунал-хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича, Қимматли қозғолар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ойбек Бекчанов ва "Ипотека-банк"нинг Хоразм вилояти филиали бошқарувчиси Мансурбек Болтаев маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиялар таркибида фаолият олиб бормоқдалар. Кенгашнинг ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича комиссияси аъзоси сифатида ўз дастурида оналик ва болаликни муҳо-

фаза қилиш борасидаги ҳамда партиямизнинг ёшлар сиёсати, тиббий ёрдам сифатини ошириш юзасидан белгиланган вазифаларни ҳудуд миқёсида амалга оширишга ҳаракат қилаётган.

Партия депутатлик гуруҳи халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши сессиялари муҳокама-сига дастурий мақсадларимиз ва электрот манфаатларидан келиб чиқувчи муҳим масалаларни киритиш мақсадида аҳоли билан ҳамнафас бўлишга, тарғибот-ташвиқот ишлари жараёнида зарур масалаларни аниқлаб олишга ҳам эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, истеъмолчилар ҳуқуқларини амалга ошириш, тўлов пластик картчаларидан фойдаланишнинг аҳоли, аҳолига транспорт ҳамда тиббий хизматлар кўрсатилиши, дори-дармон билан таъминлаш ва бошқа масалалар юзасидан тақлифлар берилиши кўзда тутилган.

Вилоят ва туманлар маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДП Урганч шаҳар кенгаши билан яқин алоқада иш олиб борилаётгани депутатларнинг самарали фаолият юритишида ижобий аҳамият касб этмоқда.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари

Электрот манфаатларини рўёбга чиқариш

қуйи ташкилотлар фаолиятида муҳим мезон

БПТ — партия таянчи

Сирдарё вилоятида партиямизнинг етакчи ва фаоллари жойларда электрот манфаатини самарали ҳимоя қилишга қаратилган ҳаётий тақлифларни илгари суриш ва уларни амалга ошириш борасида партиявий ишларни самарали олиб боришда.

Бунда, албатта, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти ҳал қилувчи ўрин тутди. Чунки бошланғич партия ташкилотлари билан бевосита ишловчи, жойлардаги мавжуд муаммолар, эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳаётий масалалардан хабардор бўғиндир. Шу боис қуйи ташкилот фаолиятини кучайтириш орқали сиёсий партия ўз дастурий мақсад ва ғоясини амалга ошириш йўлида қутилган натижаларга эришиши мумкин.

Вилоятда фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотлари туманлар ва шаҳар партия кенгашлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар билан ҳамжиҳатликда, ташаббускорлик руҳида ишлаб, ўз фаолиятларида ибратли тажрибалар орттиришмоқда. Шунинг бора-баридан партия кенгашлари томонидан БПТлар ишини янада такомиллаштириш, партия аъзоларининг ҳуқуқий, сиёсий билимларини бойитиш масалалари ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Бунинг натижаси уларок, ўз амалий ишлари билан аҳоли орасида тобора обрў-эътибори ортиб бораёт-

ган партиядошларимизнинг сафи кенгайиб, бугунги кун шиддати билан ҳамнафас, сиёсий фаол аъзолар бошланғич партия ташкилотларимиз сафида тобора кўпаймоқда. Сирдарё вилоят давлат салитария-эпидемиология назорати маркази қошида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилоти намунали БПТлар орасида етакчилик қилаётгани бежиз эмас. Мазкур қуйи ташкилот жамоаси барча партиявий вазифаларни амалга оширишда ташкилотчилик руҳида ишлаётгани эътиборга молик. "Депутат — сайловчиларнинг ишончли вакили", "БПТларнинг самарали фаолиятини

таъминлаш", "Партия аъзоларида партия позициясини мустақкамлаш ва партиявий фаолиятни кучайтириш йўллари", "Бошланғич партия ташкилотлари ишини такомиллаштириш — долзарб вазифа", "Партия электротининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари билан ҳамкорлик масалалари каби тарғибот тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилгани уларда ҳудуд аҳолисининг кенг қатлами қамраб олинганда ҳам ақс этди. БПТ сафидаги фаол аёлларнинг оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, одам савдо-

сининг олдини олиш, одам савдосидан жабр кўрган хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, уларга тиббий, психологик ёрдамларни ташкиллаштириш бўйича Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгаши ва вилоят Хотин-қизлар кўмитасининг қўша лойиҳаси ижроси юзасидан аҳоли ўртасида олиб борган тарғибот ишлари лойиҳанинг ҳаётий самараси орттишига хизмат қилади. Хусусан, "Соғлом аёл — соғлом жамият", "Соғлом оила — жамият тараққиёти пойдевори", "Она ва болага эътибор — жамиятнинг соғломлаштиришнинг муҳим омил" каби мавзулар-

да ёшлар, ота-оналар, ўқитувчи ва маҳаллалар фаоллари иштирокида ўтказилган тадбирларга мутахассисларнинг ҳам жалб этилгани тарғибот таъсирчанлигини оширмоқда. БПТга бирлашган ёш маслақдошларимиз вилоят партия кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган "Адолат кубоғи" футбол мусобақасининг юқори савияда ташкил этилишида ўз фаолликларини намойиш қилишди. Шерзод Беркинов раҳбарлигидаги мазкур БПТ 2014 йилги фаолият якунлари юзасидан партия тизимида ўтказилган "Энг намунали партия ташкилоти" республика кўриктанловидан "Энг намунали бош-

ланғич партия ташкилоти" йўналиши бўйича фахрли 1-ўринга сазовор бўлди ва Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг дипломи билан тақдирланди. Партиявий ишлар талаб даражасида йўлга қўйилганлиги партия ташкилоти ҳамда БПТга бирлашган ҳар бир маслақдошимизнинг муваффақиятида акс этмоқда. Буни БПТ аъзоларидан Р.Каримов халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши, А.Атабаев халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши депутати сифатида янги депутатлик гуруҳларида қизғин фаолиятга киришгани ҳам яққол кўриш мумкин. Боёвут туман тиббиёт бирлашмаси қошида тузилган бошланғич партия ташкилотининг тиббиёт ходимларидан иборат аъзолари аҳолига тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган дастурий вазифаларимиз шу ҳудуд миқёсида амалга оширилишида жонқуярлик кўрсатишмоқда. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида маҳаллалар, ўқув муассасаларида ҳамкорлар билан биргаликда бир қатор тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, ўзгалар парварлишига эҳтиёжманд ёки кам таъминланган оилаларда яшовчи кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, бепул дори-дармонлар билан таъминлашга ҳам ҳаммаслақ партиядошларимиз

жиддий эътибор беришарди. Мазкур БПТ фаоллари ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, кексаларни ҳурмат қилиш, уларга гамхўрлик кўрсатиш, ёрдамга эҳтиёжманд кишилардан ўз кўмагини аямаслик каби ижтимоий қадриятларимизнинг ижтимоий ҳаётимизда амалий акс этишида ҳам ибратли ишлар қилишмоқда.

Албатта, ўз фаолиятида сусткашликка йўл қўяётган айрим бошланғич партия ташкилотлари ишини қайта кўриб чиқиш, таҳлил этиш ва жонлантиришда намунали БПТларнинг илғор тажрибаларидан унумли фойдаланилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, партия иши мавсум танламайдиган, ҳаммаслақ фаоллик, ташаббускорликни талаб этади. Энг асосийси, қаерда партиянинг у ёки бу масала ечимида одамларга нафи тегишида ҳам халқ бу сиёсий кучга ишонади ва уни қўллаб-қувватлайди. "Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгаши ва унинг қуйи тузилмаларидаги маслақдошларимиз бунинг учун англаб, шунга муносиб равишда ишлашга интилишмоқда. Зеро, мутафаккир аждодимиз ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда: "Нафънинг агар ёлға бешиқ дурур, Билки бу нафъ ўзунга кўпрак дурур".

Шухрат ҚАСАНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгаши матбуот котиби



Фуқаролик жамиятининг асосий шартлари



ортиради. Уларнинг фуқаролик жамияти институтлари томонидан кўтарилаётган турли хил муаммолардан хабардор бўлиб боришига ва муаммоларни биргаликда ҳал этиш чораларини кўришга ёрдам беради. Қонуннинг 4-бобида ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари санаб ўтилган. Эътиборлиси шундаки, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ҳуқуқлари давлат органлариникига нисбатан қарийб икки баравар кўп, мажбуриятлари эса икки баравар кам белгиланган. Масалан, 23-моддада нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг турли масалалари бўйича ташаббуслар билан чиқиш, давлат органларига тақдим қилиш, қўллаб-қувватлаш бўлиб, 26-моддада бундай ташаббуслар ва тақдимларнинг кўриб чиқиш давлат органларининг мажбурияти сифатида белгиланган. Қонуннинг охириги 5-бобида яқунловчи қоидалар берилган. Ушбу боб, асосан, қонунчилик техникаси ва амалиётдан келиб чиқиб киритилган бўлиб, низоларни ҳал этиш, ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, қонун ҳужжатларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш ҳамда қонуннинг қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибда солиди. Албатта, ушбу қонун мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш бўйича ўтказилаётган кенг қўламли ишлар самарадорлигини оширишга, катта ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёнида аҳолининг кенг қатламлари манфаатларининг ҳар томонлама ҳисобга олинишига ҳизмат қилиши шубҳасиздир.

Шуҳрат ШЕРНАЗАРОВ, Жиззах вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Шарҳ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очiq-ошқоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этиши белгиланган эди. Давлатимиз раҳбари 2014 йилнинг 25 сентябрь куни имзолаган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун 2015 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди. Ушбу қонунни ишлаб чиқишда, энг аввало, ижтимоий шериклик соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти, бу борадаги умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда ҳорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти, бу борадаги умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда ҳорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти, бу борадаги умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда ҳорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти, бу борадаги умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда ҳорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган.

Ногиронларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари доимий эътиборда

Ижтимоий ҳимоя Мамлакатимизда ногиронларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қаратилиб, уларнинг турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиш шарт-шароитларини таъминловчи иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун, Президентимизнинг 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга қўйиладиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ногиронларнинг ижтимоий ёрдам ҳамда ҳимоя чора-тадбирларига бўлган эътиборларнинг таъминланиши, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ёрдам қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, ижтимоий таъминлаш тизimini такомиллаштириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда қонуний асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, республикаимизда ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъ-



минлаш, уларнинг камситилишига йўл қўймай, шунингдек, ногирон болаларнинг мактабга ва мактабдан ташқари таъминоти, уларнинг касбий-тўғриқилиши таъминлаш борасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш каби масалалар ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги хайрли ишларни самарали ташкил этишда муҳим ҳаётий аҳамият касб этаётди. Қонунчилигимизда ногиронларни пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар), техника воситалари ёки бошқа воситалар, шу жумладан, автомобиллар, ўриндиқли аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, махсус харфли матбаа нашрлари, овоз кучайтиргич аппарат-

лар ва сигналаторлар билан таъминлаш, уларга тиббий, касбий, ижтимоий реабилитация қилиш ва маиший, транспорт хизматлари кўрсатиш каби ижтимоий ёрдам турлари жорий этилган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронларни ишга жойлаштиришда ҳам бир қатор имтиёزلар кўзда тутилган бўлиб, жумладан, Меҳнат кодексининг 68-моддасида ҳамда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида ногиронлар, шунингдек, ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарни ишга жойлаштиришда кўшимча қарорлар белгиланган. Ижтимоий чекланган, ногирон болаларнинг таъмин олиш ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги «Ижтимоий чекланган шахслар учун их-

Сўранг, жавоб берамиз!

— Ҳозир қарамоғимда 4 бош қорамол бор. Келгусида чорва молларини кўпайтириб, тадбиркорлик билан шуғулланишни режалаштирганман. Айтинг-чи, тадбиркорлик фаолияти учун ер олиш тартиби ва шартлари қандай? Дилмурод Фармонов, Тошкент вилояти. — Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг ердан фойдаланиши, эгаллик қилиш ҳуқуқлари, ер тўғрисидаги қонунчиликка биноан, қўйидаги 5 та асосга кўра вужудга келади. Жумладан: ижарага олиш ҳуқуқи асосида; доимий эгаллик қилиш, доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида; меърос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида; хусусий мулк ҳуқуқи асосида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ер участкаларини фермер хўжалиқларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги низома кўра, икки турда, яъни чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиқларига қишлоқ хўжалиғига мўлжалланган ерлар ижарага элик йилгача бўлган, бироқ 30 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиғи хўжалиқининг бизнес-режасида назарда тутилган камида 30 шартли бош чорва молларини боқиб шартлари билан ташкил этилади. Деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиқларига ижарага бериладиган ер участкаларини фермер хўжалиқлари пахтачилик ва галлачилик учун — камида 30 гектарни; боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа эканлар етиштириш учун — камида 5 гектарни ташкил қилади. Фермер хўжалиғини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов асосида талабдорларнинг имкониятлари қўйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланади: мутахассислиги; маълумоти; қишлоқ хўжалиғидаги иш тажриби; мажбуриятлардан холи бўлган пул маблағлари; мавжуд ярқоқлик техникаси; сўнгги йилларда шартномавий мажбуриятларнинг қай даражада бажарилиши билан боғлиқ мезонлар асосида аниқланади. Деҳқон хўжалиқларига ер беришда — оилали ва қишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга деҳқон хўжалиғи юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилишга тўморқа ер участкаси берилади. Бундан қўзланган мақсад — қишлоқ хўжалиқ маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, яқна тартибдаги уй-жой қурилиши, уй-жойини ободонлаштириш ҳисобланади. Фуқароларга деҳқон хўжалиғи юритиш учун 0,06 гектар доирасида тўморқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи кимониди савдоси асосида реализация қилинади. Шаҳар ва туман ҳокимлиги томонидан қўйидаги шахсларга ер участкалари биринчи навбатда: ер давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан уйларни бузилаётган фуқароларга; иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига; байналмилал жангчиларга; ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва уларга тенлаштирилган шахсларнинг оилаларига; меҳнат фахрийларига; узлари эгалик қилиб турган давлат турар жой фондига турар жойларини шахар ва туман ҳокимликларига бераётган фуқароларга берилади. Шаҳар ва туман ҳокимлиги ҳузурида ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича доимий ишлайдиган комиссия фаолият юритади. Комиссия таркибига «Ергеодекадастр» давлат қўмитаси, табиати муҳофаза қилиш, архитектура ва қурилиш органлари, санитария-эпидемиология хизмати, фуқаролар йиғинлари вакиллари, шунингдек, туман фермерлар кенгаши раиси ва бошқа шахслар киритилади. Саволга Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ДНИ нотариуси Гўзал ИСАКЖАНОВА жавоб берди.

Reklama "BUXORO GLOBAL REALTOR" МЧЖ Когон шаҳар ҳокимлигининг 2014 йил 25 декабрдаги 1/2167-сонли хатига асосан «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкаларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 147-сонли қарори ва Когон шаҳар ҳокимининг 2014 йил 18 декабрдаги №645-сонли қарорига асосан юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш учун инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шартли билан қўйидаги 4 та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2015 йил 13 февралда тутилган танлов савдоларига чиқарилган. 1. Когон шаҳар М.Таробий кўчасида жойлашган «Когонматлуботсавдо» ширкатининг 2250 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 1 680 750 сўм. 2. Когон шаҳар М.Таробий кўчасида жойлашган «Когонматлуботсавдо» ширкатининг 1640 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 1 225 080 сўм. 3. Когон шаҳар М.Таробий кўчасида жойлашган «Когонматлуботсавдо» ширкатининг 1650 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 1 232 550 сўм. 4. Когон шаҳар М.Таробий кўчасида жойлашган «Когонматлуботсавдо» ширкатининг 2800 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 2 091 600 сўм. «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ Когон шаҳар ҳокимлигининг 2015 йил 12 февралдаги №01/281-сонли хатига асосан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 13 январдаги 1/05-66-сонли хати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли қарори билан тасдиқланган «Низоми» таълабларига асосан ва Когон шаҳар ҳокимининг 2014 йил 18 декабрдаги №645-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкасини доимий фойдаланишга бериш тўғрисида»ги қарори бекор қилинганлиги сабабли, танлов савдолари тўхтатилганини маълум қилади. Танлов ташкилотчиси — «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ. Манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси 10-уй. Тел: (+99893) 960-69-00, факс: (0365) 221-54-43, электрон почта: www.bgr.gl.uz. Лицензия № RL 0171

Хурматли тадбиркорлар ва азиятчи ҳамюртлар!

«Global Savdo Fayz Vuxara» МЧЖ объектининг бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига: Бухоро шаҳар 2-автокорхона давлат унитар корхонасининг буюртма хатига асосан корхонага тегишли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 1989 йилда и/ч, д/р 80/685 ОАА бўлган "ЗИЛ-431610" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 2 400 000 сўм;
2. 1988 йилда и/ч, д/р 80/951 ОАА бўлган "ЗИЛ-431610" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 2 400 000 сўм;
3. 1985 йилда и/ч, д/р 20 AF 864 бўлган "ЗИЛ-431610" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 2 800 000 сўм;
4. 1986 йилда и/ч, д/р 20 AF 227 бўлган "ЗИЛ-431610" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 3 000 000 сўм;
5. 1986 йилда и/ч, д/р 80/834 ОАА бўлган "ЗИЛ-431610" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 4 100 000 сўм;
6. 1989 йилда и/ч, д/р 80/816 НАА бўлган "ЗИЛ-4502 ММЗ" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 4 500 000 сўм;
7. 1983 йилда и/ч, д/р 80/149 ОАА бўлган "КамАЗ-5320" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 5 400 000 сўм;
8. 1983 йилда и/ч, д/р 80/856 ОАА бўлган "КамАЗ-5320" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 5 400 000 сўм;
9. 1981 йилда и/ч, д/р 80/662 ОАА бўлган "КамАЗ-5320" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 5 400 000 сўм;
10. 1981 йилда и/ч, д/р 80/676 ОАА бўлган "КамАЗ-5320" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 5 400 000 сўм;
11. 1988 йилда и/ч, д/р 80/844 ОАА бўлган "ГАЗ-53" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 3 200 000 сўм;
12. 1985 йилда и/ч, д/р 80/841 ОАА бўлган "ГАЗ-53" автотранспорт воситаси. Б/б - 3 200 000 сўм;
13. ГКБ-817 ХГТ105225 русумли тиркама. Б/б - 150 000 сўм;
14. ГКБ-817 ТКБ04571 русумли тиркама. Б/б - 150 000 сўм;
15. ГКБ-8328 2415 русумли тиркама. Б/б - 150 000 сўм;
16. 1687-мукавоз русумли тиркама. Б/б - 200 000 сўм;
17. 1687-мукавоз русумли тиркама. Б/б - 200 000 сўм;
18. 1988 йилда и/ч, д/р 80/839 ОАА бўлган "ГАЗ-53 АБЦ" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 6 750 000 сўм;
19. 1985 йилда и/ч, д/р 80/946 ОАА бўлган "ГАЗ-53 АБЦ" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 6 750 000 сўм;
20. 1988 йилда и/ч, д/р 80/836 ОАА бўлган "ПАЗ-3205" русумли автобуси. Б/б - 14 000 000 сўм;
21. 1990 йилда и/ч, д/р 80/661 ОАА бўлган "ЗИЛ-431610" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 4 200 000 сўм;
22. 1988 йилда и/ч, д/р 80/941 ОАА бўлган "ЗИЛ-431610" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 4 200 000 сўм;
23. 1988 йилда и/ч, д/р 80/934 ОАА бўлган "ЗИЛ-431610" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 4 200 000 сўм;
24. 1989 йилда и/ч, д/р 80/957 ОАА бўлган "ЗИЛ-ММЗ 554" русумли автотранспорт воситаси. Б/б - 4 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 26 март куни соат 11:00 да Бухоро шаҳар 2-автокорхона давлат унитар корхонасининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2015 йил 26 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақририй аукцион савдолари 2015 йилнинг 02 апрель кунли соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилгандаларини закалат шартномасига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Global Savdo Fayz Vuxara" МЧЖнинг Халк банки Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:

х/р: 20208000405017774001, МФО: 00116, ИНН: 302485226.
и/ч-ишлаб чиқарилган, д/р-давлат рақами, Б/б-бошлангич баҳоси.
Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Савдо ташкилотчисининг манзили: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон/факс: 8 (365) 221-54-43.
Тўғринома № 000292

ХОРВАТИЯДА БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ АЁЛ ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Мамлакат президентининг инаугурация маросими яқшанба кунини Загребда ўтказилди.



Эслатиб ўтамиз, 46 ёшли Колинда Грабар-Китарович Хорватиянинг энг ёш ва биринчи аёл президенти. Шу йилнинг 11 январь кунини ўтказилган президент сайловининг иккинчи турида у мамлакатнинг амалдаги раҳбари Иво Йосипович устидан ғалаба қозонди. Ушанда муҳолифат номзоди 50,5 фоиз овоз олишга эришганди.

Грабар-Китарович мамлакат мураккабликка эришган 1991 йилдан бери сайланган тўртинчи президентдир. Амалдаги қонунларга қўра, Хорватия президенти сиёсий партия аъзоси бўлиши мумкин эмас. Шу сабабли Грабар-Китарович ўзи етакчилик қилган "Хорват демократик ҳамдўстлиги" консерватив партиясидан чиқиб кетган.

Маълумотларга қўра, Грабар-Китарович 1968 йили Риека шаҳрида туғилган. Мактабни АҚШда тугатган, Загреб университетининг фалсафа факультетида, сўнг Венадаги Дипломатик академияда таълим олган. Жорж Вашингтон ва Гарвард университетлари стипендианти бўлган. 1992 йилдан Ташқи ишлар вазирлигида ишлаган, Европа Иттифоқига аъзо бўлиш юзасидан музокаралар олиб борувчи гуруҳга раҳбарлик қилган, 2008 йили мамлакатнинг АҚШдаги элчиси бўлган. 2011 йилдан бошлаб эса НАТО Бош котибининг ёрдамчиси.

МЕҲМОНЛАРГА РОБОТЛАР ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Шу йилнинг июль ойида Япониянинг Нагасаки шаҳрида мижозларга роботлар хизмат кўрсатадиган дунёдаги биринчи беш йилдузли Henn-na Hotel меҳмонхонаси ишга тушди.



Маълумотларга қўра, 10 та хушмуомала механик гуманоид меҳмонларни рўйхатдан ўтказди, уларнинг юқларини хоналарига олиб чиқди. Ҳатто хоналарни тартибга келтириш, тозалаш ҳам уларнинг зиммасида бўлади.

Кокото компаниясида ишлаб чиқарилган роботлар ташқи кўринишидан хизматчи аёлдан фарқ қилмайди, айни пайтда доимо табассум қилиб турувчи бу темиртанлар нафас олаётгандай, кичик қоқабгандай туюлади. Бундан ташқари, гуманоидлар япон, хитой, корей ва инглиз тилларида эркин гаплаша олади. Бундай роботлардан унтаси меҳмонларни қабул қилиб олади, тўрттаси швейцарлик вазифасини адо этади, иккитаси хоналарни йиғиштириш билан банд ва биттасининг зиммасига гардероб билан шуғулланиш юкланган.

Меҳмонхона тасарруфидан бўлган H.I.S. компанияси президенти Идео Саваданинг


сўзларига қўра, меҳмонхонадаги 90 фоиз ишларни роботлар адо этишади. Шунингдек, мижозлар учун хоналар калитлари ҳам керак бўлмайди: эшиклар хона эгасининг юзини эслаб қолишдек инновацион технологияга эга. Хоналардаги ҳарорат мижоз танасининг ҳароратига мос равишда автоматик тарзда мослаштирилиб турилади. Буюртмаларни планшет орқали расмийлаштириш имконияти ҳам мавжуд.

Henn-na Hotel 17 июлдан иш бошлайди. Меҳмонхонада 72 та хона бор. Бир кишилик хонанинг суткалик нархи 7000 йен (60 долларга яқин).

Эслатиб ўтамиз, Henn-na Япониядаги биринчи роботлаштирилган меҳмонхона бўлса-да, мамлакат ресторани ва дўконларида андроидлар хизматидан фойдаланиш кенг тарқалган. Жумладан, Токиодаги The Robot Restaurant илмий-фантастик қабаресида робот боксёрлар ва рақосларнинг чиқишларини томоша қилиш мумкин. Жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб эса Mitsubishi UFJ Financial Groupнинг бир неча бўлимларида менежер-гуманоидлар иш бошлашади. Агар таъриб мутафаккирлик бўлса, 2020 йилдан бошлаб банкларнинг деярли ҳаммасида гуманоид-хизматчилар ишлаб бошлаши кутилмоқда.

APPLE КЎЁШ БАТАРЕЯЛАРИГА ЎТАДИ

Apple компаниясининг бош директори Тим Кук Калифорнияда йирик тижорат қўёш электр станцияси қурилиши бошланганини маълум қилди. Кукнинг сўзларига қўра, бу "компаниянинг энг йирик ва энг дадил" лойиҳасидир.



Лойиҳани амалга ошириш учун компания қўёш батареялари ишлаб чиқаришга ихтисослашган First Solar компанияси билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатди ва ишни бошлаш учун дастлабки 848 миллион долларни ажратишга тайёргилини билдирди.

Маълумотларга қўра, янги "қўёш фермаси" Appleнинг Купертинодаги янги штаб-квартираси, маълумотларни қайта ишлаш маркази, компаниянинг штатдаги барча офислари ва 52 та дўконини электр энергияси билан таъминлайди.

Янги станция 11 кв. км майдонни эгаллайди, унинг максимал қуввати 280 МВт.га етади. Шартномага қўра, бу қувватнинг 130 МВт.и Appleга тегишли бўлади.

Станция қурилиши шу йилнинг ўрталарида бошланади, лойиҳа қувватига 2016-2017 йилларда эришилади.

Эслатиб ўтамиз, Apple компаниясида мобил алоқа воситалари учун бир неча кўринишдаги қўёш батареялари ишлаб чиқилган.

ХАКЕРЛАР БИР МИЛЛИАРД ДОЛЛАР ЎФИРЛАШДИ

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қўра, ҳакерлик операциялари натижасида кибержиноятчилар дунёнинг 100 га яқин молия муассасаларидан бир миллиард долларга яқин маблағни ўзлаштириб олинган. Бу ҳақда "Касперский лабораторияси" компанияси сайтыда хабар тарқатилган.

Лаборатория экспертлари "Интерпол" ва "Европол" билан ҳамкорликда олиб борган текширувларда аниқланишича, ҳакерлик ҳужуми икки йил давом этган. Мутахассислар мазкур операциялар ортида Европа мамлакатлари, Хитой, Россия, Украина фуқароларидан иборат мохир кибержиноятчилар турганлигини тахмин қилишмоқда.

Айни пайтда ҳакерлар мутлақо янги йул тўғрилиги ҳам экспертлар эътиборини тортган. Яъни, улар банклар мижозларидан эмас, балки бевосита компанияларнинг ўзидан маблағларни ўғирлашга ўтишган. Натижада кибержиноятчилар ҳужумидан АҚШ, Россия, Германия, Хитой, Украина, Гонконг, Канада, Тайван, Руминия, Франция, Испания, Ҳиндистон каби ўттиздан ортиқ мамлакатнинг банклари жиддий зарар кўришган.

Ўртача ҳисобда ҳар бир ўғирлик кибержиноятчиларга 10 миллион доллар маблағ келтирган. Маблағ онлайн тўлов тизими орқали олиб чиқилган. Шу мақсадда фирибгарлик йўли билан Хитой ва Америка банкларидан сохта ҳисоб рақамлари очилган.

Шунингдек, банк тармоғига уюштирилган ҳар бир ҳужум ҳам кибержиноятчиларга ўртача 10 миллион доллардан маблағ келтирган.

"Касперский лабораторияси"нинг антивируслар бўйича етакчи мутахассиси Сергей Головановнинг сўзларига қараганда, бундай ҳужумлар пайтида ҳакерлар қўллаган усуллар ҳатто банкда амалда бўлган дастурий таъминотни четлаб ўта олиш имкониятини яратган. Бу эса банк хизмати тизимини синдириш эҳтиёжини йўқотган. Натижада корпоратив тармоққа найранг йўли билан кириб олган ҳакерлар деярли очик-ошкора ишлашган.

ШАРПАЛАР "ОВЧИ"СИ

Италиянинг GhostArk компанияси... руҳлар ва шарпаларни аниқлайдиган қурилма-детектор яратганлигини маълум қилди.



Ўз ўлчамига қўра қурилма оддий смартфоннинг эслатади. Қурилманинг юза қисмида кичик дисплей, бир неча тугмача ва учта айланувчи уловчи мурват жойлашган.

Детектор электр магнит майдони датчиги, радио тўлқинлар сканери ҳамда электрон овозни қайд этувчи сенсорга эга. Қайд этиб ўтиш жоиз, олимлар ўртасида қўлбаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган, айрим ҳолларда одамга ҳослиги сезилиб қоладиган мазкур овозни баъзи мутахассислар руҳ ҳамда шарпалар мавжудлигининг исботи сифатида талқин этишади. Компания олимлари "оқ овоз" деб аталадиган мазкур ҳодисани ўрганиш жараёнида ўта сезгир микрофонлар ўрнатиш билан бир қаторда ҳаво ҳарорати, босим сингари табиий омилларни ҳам ҳисобга олишларини маълум қилишган. Шунингдек, қабул қилинаётган барча маълумотлар кейинги таҳлиллар учун сақлаб қўйилади.

Маълумотларга қараганда, мазкур қурилма муаллифларидан бири таниқли ёзувчи Массимо Россидир. Болалигидан турли ғайритабиий ҳодисаларга қизиқиб келаётган адиб ўзга дунё мавжудотлари мавжудлигини исботлаш учун турли-туман махсус усуллар ва қурилмаларни қўллаб келган. Бироқ, шу пайтга қадар мақсадига эришолмаган Росси ниҳоят бу ишга Япония роботларини ўрганиб қайтган бир гуруҳ муҳандисларни жалб этди.

GhostArk қурилмаси шу йилнинг ёз фаслида бозорга чиқиши кутилмоқда. Ҳозирча унинг нархи 250 доллар этиб белгиланган. Мутахассислар қурилманинг бозори чакдон бўлишини баъшорат қилишмоқда.

ХУСЕН ТАНГРИЕС,

Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати қатна инспектори

ROLLS-ROYCE: Фойда 20 БАРОБАР КАМАЙДИ

2014 йил якунига қўра, Буюк Британиянинг Rolls-Royce компанияси акциялари эгаларининг фойдаси 19,8 баробарга камайиб, 69 миллион фунт стерлингга (105,2 миллион доллар) ташкил этди.

Rolls-Royce Group plc компанияси 1987 йили, Маргарет Тэтчер ҳукумати томонидан Rolls-Royce

Limited компанияси хусусийлаштирилганидан кейин ташкил этилган. Компанияда авиация, денгиз ускуналари ҳамда энергетика жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Rolls-Royce дунёда ҳаво кемалари учун двигателлар ишлаб чиқарадиган корхоналар орасида Американинг General Electric компаниясидан кейин иккинчи ўринда туради.

Компаниянинг автомобиль ишлаб чиқарувчи тармоғи (Rolls-Royce Motors) 1973 йили Rolls-Royce Limitedдан алоҳида ажралиб чиққанди.

Эслатиб ўтамиз, 2014 йилнинг ноябрь ойида компания 2600 иш ўрнини қисқартиришни режалаштираётганлигини маълум қилганди.



Камари "кўки"дан

Божхона бекати

Маълумки, республикамизнинг чегара божхона постлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали чиқиб кетаётган шахслар валюта назоратидан ўтказилади. Амалдаги тартибларга мувофиқ, божхона чегарасини кесиб ўтаётган жисмоний шахслар томонидан тўлдириладиган йўловчи божхона декларациясида Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий ва чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари ҳамда қимматбаҳо буюмларнинг мавжудлиги ва миқдори кўрсатилиши шарт.

Афсуски, мазкур тартибларга риоя қилмасдан нақд хорижий валюталарни ноқонуний равишда олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатлари учраб турибди.

Рақамларга мурожаат қилсак, ўтган 2014 йилда республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 781 та божхона қоидабузарликлари аниқланиб, натижада салкам 3,4 млрд. сўм эквивалендга нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси "Келес" темир йўли

чегара божхона пости ходимлари томонидан "Тошкент-Москва" йўналишидаги поезд йўловчиси, бухоролик А.Мухамедовнинг (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилди. Аниқланишича, ушбу шахс йўловчи божхона декларациясида қайд этмасдан туриб, қўл юклари орасига 5700 АҚШ долларини яширганча олиб чиқиб кетган экан.

"Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари ҳам нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига оид бир неча қонунбузарлик ҳолатларини фож қилишди.

Жумладан, самарқандлик Р.Мадраҳимовнинг Истанбулга парвози

бироз кечикди. Боиси, у йўловчи божхона декларациясида қайд этган 2000 АҚШ долларидан ташқари, божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилмасдан туриб, 5000 АҚШ долларини чўнтагига солганча, бамайлихотир чиқиб кетишга уринган экан.

"Тошкент-Франкфурт" рейси бўйича парвозга шайланган И.Коев ҳам "уддабурон" чиқиб қолди. Холислар иштирокида ушбу шахс кўриқдан ўтказилганда, чарм курткасининг ички қисмига ҳамён мохирлик билан яширилганлиги фож бўлди. Ҳамёнда эса йўловчи божхона декларациясида қайд қилинмаган ва табиийки, аширинча олиб чиқиш учун кўзланган 5900 евро борлиги аниқланди.

Шунингдек, божхоначилар хитойлик Ю.Хан томонидан 11300 АҚШ долларининг қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетилишининг олдини олишди. "Тошкент-Урумчи" рейси бўйича парвоз олдидан ушбу хорижий фуқарога тегишли бағаж божхона кўриғида ўтказилганда, мазкур нақд хорижий валюталар юклари орасига яшириб қўйилганлиги аён бўлди.

Қаршилик Л.Норқуллова ҳам Москвага учиб олдидан таваккалга қўл урди. Амалдаги тартибларга зид равишда нақд хорижий валюта-

ЁШ ОИЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Давоми. Бошга 1-бетда

Бу орзу-истакларга монанд аъёнлар пайдо бўлиб, турмуш тарзимизга сингиб кетгани ҳам бежиз эмас. Дейлик, оилада ўғил туғилганда унга атаб терак экиш аънаси ҳам зурриёдиннинг келажagini ўйлаб қилинадиган эзгу амаллардан биридир. Яъни, фарзанд улгайгач, унга қуриладиган иморат усти айни ўша тераклар билан ёпилади ва шу орқали фарзандга янги турмуш қуришда амалий ёрдам кўрсатилади.

Дарҳақиқат, инсон учун ўз уйига эга бўлиш ҳамма даврда ҳам муҳим ҳаётий эҳтиёж саналган. Айниқса, ўзбек оилаларида фарзандларни уйли-жойли қилишга интилиш ота-оналарнинг умр мазмунига айланган, десак, янглишмаймиз. Мамлакатимизда навқирон авлоднинг замонавий билим олиши, касб-хуна эгаллаши, спорт билан шуғулланиши, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши учун кенг имкониятлар яратилиш билан бирга, ёш оилаларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга ҳам доимий эътибор қаратилиб келинапти. Жумладан, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати тавсиясига биноан ёш оилаларга узок муддатли ипотека кредити асосида "Камолот" уйлари берилётгани ёшлар қалбида эртанги кунга ишонч туйғусини янада мустаҳкамлаш барибаради уларнинг ота-оналари ва яқинларини ҳам мамнун этмоқда.

Мисол учун, Андижон шаҳрида қуриб битказилган тўрт қаватли, 48 хонадондан иборат "Камолот" уйи соҳиблари орасида "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби Бахтиёр Мамадалиев, Андижон тиббиёт институти магистранти, Президент стипендияси стипендианти Яхё Зиеёв, бокс бўйича ёшлар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони, Грецияда бўлиб ўтган олимпиада мусобақаларида учинчи ўринни эгаллаган Баҳодир Султонов борлиги, шунингдек, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида ёш оилалар учун "Ўзсанотқурилишбанк"нинг 2 миллиард 350 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи ҳисобидан бунёд этилган "Камолот" уйининг уч ва тўрт хонали ўттиз икки хонадонли калитлари ҳам фан, санъат, адабиёт ва спорт йўналишида юксак натижаларга эришган ёш оилаларга топширилгани барчани қувонтирди.

Маълумки, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда амалга оширилётган ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашга, уларнинг



таълим-тарбиясини янада яхшилашга қаратилган улкан қадам бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган "Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда ҳам айнан юртимиз ижтимоий ҳаётларида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шарт-шароитларини яхшилашга доир ижтимоий муаммоларини ҳал этиш мақсади илгари сурилган бўлиб, унга кўра, республикамизнинг барча ҳудудларида "Камолот" уйлари барпо этилиши кўзда тутилган.

Бундай уй-жойларнинг қурилиши ва тақсим этилиши қай тартибда амалга оширилмоқда? "Камолот" уйлари беришда ёш оилаларнинг ижтимоий ҳолатига қараб қўшимча имтиёзлар ҳам белги-ланганми? Шу ва шу каби қўшимча қизиқтирадиган саволлар билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси Баҳром Илҳомжонов муносабат билан сўзлашдик.

— "Камолот" уйлари республикамиз бўйлаб янги қурилаётган уйлар ҳамда фойдаланилмаётган ва қурилиш тугалланмаган мавжуд объектларни қайта реконструкция қилиш асосида бунёд этилмоқда, — дейди Б.Илҳомжонов. — Унга қурилишда пудрат ташилотлар ва лойиҳа институтлари танлов савдолари билан жалб қилиниб, молиялаштириш борасидаги вазифалар тижорат банкларига таъминлашга юкталган.

Бугунги кунда 2 қаватдан 9 қаватгача бўлган, 8, 12, 32, 48, 64, 68 хонадонли "Камолот" уйлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бунёд этиляпти ҳамда мавжуд бинолар реконструкция қилинмоқда. Биргина Фарғона вилояти мисолида оладиган бўлса, Қувасой шаҳрида 48 хонадонли, Учкўприк туманида 28 хонадонли ва Тошлоқ туманида 55 хонадонли "Камолот" уйлари тўлиқ қуриб битказилди. Буни республикамизнинг бошқа ҳудудлари ми-

солида ҳам келтириб ўтишимиз мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 250-сонли қарори асосида "Камолот"нинг кўп квартирали уйларида ёш оилаларга квартиралар бериш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги низом тасдиқланган бўлиб, бундай уйлар турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож сифатида ҳисобда турган ҳамда фан, санъат, ада-



биёт, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган (қоидага мувофиқ, давлат мукофотлари, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиблари, нуфузли халқаро ва республика мусобақалари, танловлар ва олимпиадалар совриндорлари), шунингдек, ариза берилган пайтда 30 ёшдан ошмаган эр-хотинлар (иккаласи ҳам)га ипотека кредити асосида бошлангич бадал тўловисиз 5 йиллик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенг бўлган фоизда берилди.

Қуриб битказилган уйлар ёш оилаларга "Камолот" ЁИХ Марказий Кенгашининг тавсияномаси асосида тақдим этилади. Таъкидлаш жоизки, бу борада аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами алоҳида эътиборга олинган. Жумладан, "Камолот"нинг кўп квартирали уйларида ёш оилаларга квартиралар бериш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги низомнинг 17-бандида эр-хотинлар "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари ёки имтиёзли ипотека кредити

оувчиларнинг оила аъзоларидан бири ёхуд бир нечаси сурункали касалликларнинг ўткир шакллари билан боғлиқ бўлган бўлса, "Камолот" ЁИХ Марказий Кенгашининг тавсияномасини навбатдан ташқари олиш ҳуқуқига эга бўлади.

— Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жами 50 та (35 таси янгидан қуриладиган) уйлар ва 15 таси мавжуд бўш турган биноларни реконструкция қилиш асосида "Камолот" уйлари қуриш ишлари бошлаб юборилган бўлиб, мазкур уйлarning қурилишига тижорат банклари томонидан кредит линиялари очилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестициялар портфелини мониторинг қилиш департаменти бош иқтисодчиси Камолiddин Қурбонов. — 2015 йилнинг 1 февраль ҳолатига ушбу уй-жойларнинг қурилишига жами 122,8 миллиард сўм маблағлар йўналтирилган, шундан 108,3 миллиард сўми тижорат банкларининг кредитлари ва

нинг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилиб келинмоқда, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Марказий аппарати мутахассиси Муҳаммадjon Жўраев. — Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам ўзининг Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, ёшларнинг салоҳиятини рўйиб чикариш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, Ватан келажигига дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини эгаллашга қўмаклашиш мақсадида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, партияимиз сағига бирлашган аъзоларнинг 36,4 фоизини ёшлар ташкил этади. Ўзбекистон "Адолат" СДП мамлакатимиз келажиги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида, деб ҳисоблайди. Партиянинг бош вазифаси мамлакатимиз таълим тизимининг фуқароларининг қўмақлашиш мақсадида бўлиб шаклланишига йўналтирилган, инсон омилни намўён этадиган, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни етиштириб берадиган энг яхши аъёнларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон "Адолат" СДП уй-жой соҳасининг самарали ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва бюджет соҳаси ходимлари учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан уй-жойларнинг қурилиш ҳажмини кенгайтириш, бюджет соҳаси ходимлари томонидан уй-жой сотиб олиниши учун бошлангич маблағлар билан таъминлайдиган мақсадли субсидияларни жорий қилиш каби тақдирларни илгари суради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрда қабул қилинган "Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўп квартирали уйлар қуриш ҳамда мавжуд фойдаланилмаётган ва қурилиш тугалланмаган объектларни ёш оилаларга квартираларни уйлар этиб реконструкция қилиш белгилаб қўйилган ҳам партияимиз дастурий фоя ва мақсадларига ҳамохангидир.

Хулоса ўрнида айтганда, республикамизнинг барча ҳудудларида "Камолот" уйлари қад ростилаётгани ва бундай уйлarning қалитлари ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётган ёш оилаларга топширилаётгани юртимизда эндигина мустақил ҳаётга қадам қўётган ёш оилаларга ҳар томонлама кўрсатилётган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси.

Сўндалик **МАМИРОВ**,
«Adolat» мухбири

➤ ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намўён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" X Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.



ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА "ОЛТИН ҚАЛАМ" X МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2014 йилнинг 31 мартдан 2015 йилнинг 31 мартгача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио эфирга узатиш ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2015 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъяс этилган:
Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.
Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статут-каси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридан ташқирланади.

Асосий мукофотлар:
энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);
энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);
энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1-, 2-, 3-ўринлар);
энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статут-каси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдоридан ташқирланади. Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статут-каси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдоридан ташқирланади. Учунчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статут-каси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдоридан ташқирланади.

Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:
энг яхши фоторепортаж;
энг яхши матбуот хизмати.
Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статут-каси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридан ташқирланади.
"Олтин қалам" танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг молиявий қўмағида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъяс этган.
Танлов шартлари:
Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 талдан кам бўлмадлиги керак). Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши керак. Радиоэшитиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши керак. Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидаги йлова қилиниши лозим:
— муаллиф ҳақида маълумотнома;
— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
— паспорт нусхаси.
Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини арафасида "Туркистон" саройида ўтказилади. Мукофот бир шахсга тақдоран берилмайди.
Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 35-хона.
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87. www.journalist.uz

Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилояти кенгаши жамоаси

партия ташкил этилгандагининг 20 йиллиги муносабати билан барча партиядошларимизни, "Адолат" СДП фаолларини, тарафдорлари ва ҳайрихоҳларини чин қалбдан самимий муборакбод этади.

Ўзбекистон сиёсий майдонидан ўз ўрнига эга бўлиб, чинакам халқ иши, Ватан тараққиётига хизмат қилаётган бу сиёсий кучнинг халқимиз орасидаги обрў-эътибори бундан ҳам баланд, маъқеи янада мустаҳкам, ютуқлари залворли бўлишини тилайди.

Байрам барчангизга муборак бўлсин, азиз сафдошлар!

Qishloq Qurilish Bank

Фаровон ҳаётингиз хизматида!

«Адолат» ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси тахририят бўлим мудири Ориф Ўлмасовга падали бузруквори **Одил ЎЛМАСОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.